

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ  
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ  
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ  
АЖРИМИ  
№ 1-1404-2101/139-2021**

2021 йил декабрь ойининг 21 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносидан, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Т.Кодиров, ҳайъат судьялари Ф.Раҳманов ва Х.Келдияровадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Абдиевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Э.Султанов, судланувчи Ж.Тнинг ҳимоячиси-адвокат У.Обидовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2021 йил 12 ноябрдаги ҳукмига кўра судланувчи,

**Т Ж** 1999 йил 23 март куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилалик, муқаддам:

1. жиноят ишлари бўйича Ғаллаорол туман судининг 2018 йил 27 мартдаги ажримига асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилган;

2. жиноят ишлари бўйича Қаттақўрғон туман судининг 2019 йил 18 февралдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

3. жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2019 йил 15 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди ва 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 57,59,60-моддаларига асосан, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 19 декабрдаги ажрими жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2019 йил 15 майдаги ҳукми ўзгартирилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасининг 8-қисмига асосан, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган; жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2020 йил 18 февралдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддаси 3-қисмига асосан ўталмай қолган 1 йил 10 ой 5 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2021 йил 29 январдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан



ўталмаган 1 йил 5 ой 8 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган;

4. жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2021 йил 3 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

5. жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 2021 йил 28 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

6. жиноят ишлари бўйича Мирзачўл туман судининг 2021 йил 26 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддаси, 59-моддаси 8-қисми тартибида 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

7. жиноят ишлари бўйича Термиз туман судининг 2021 йил 17 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддаси, 59-моддаси 8-қисми тартибида 7 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган; 8. жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2021 йил 10 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддаси, 59-моддаси 8-қисми тартибида 7 йил 4 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, “Жартепа” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли, “Мўғол” қишлоғида яшаганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устида судланувчи Ж.Т томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни;

### А Н И Қ Л А Д И:

Ж.Тга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида 7 йил 5 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташлик белгиланган.

Судланувчи Ж.Тдан жабрланувчи Л.Анинг фойдасига 4.146.404 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ж.Т хавфли рецидивист бўла туриб, ўзганинг мулкини қўрибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил 10 ноябрь куни Оқдарё



тумани тиббиёт бирлашмасига эгнига фуқаролик кийимини кийиб олган ҳолатда келиб, мазкур шифохонанинг болалар бўлимида катта хамшира лавозимида ишлаб келаётган Д.Юга ўзини гўёки Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси тизимида терговчи лавозимида ишлаб келаётганлигини, уйланишга яхши хамшира қиз бор бўлса, унга уйланишини, онаси қари эканлигини, унга қараб туриш кераклигини айтиб, унинг ишончига киргач, фуқаро Д.Ю ўзининг қариндоши Л.Ани у билан таништириб, Л.Ага қўшимча равишда яшаш манзили Пайариқ тумани, “Челак” шаҳрида яшаб келишини, исмини “Хусаин” деб таништириб, унга акаси автоҳалокат натижасида тан жароҳати олиб, шифохонада даволанаётганлигини, акасини Самарқанд шаҳрига олиб бориб, даволатиш учун ҳозирда пул жуда зарурлигини айтиб, унга 4.000.000 сўм пулни қарзга бериб туришлигини, кейин унинг пластик картасига пулни онлайн тарзда ўтказиб беришини айтиб, унинг ишончига кирганидан сўнг, фуқаро Л.Анинг 2.082.800 сўм қийматга тенг бўлган 200 АҚШ доллари ҳамда 2.000.000 сўм пуллари нақд пул шаклда олиб, ушбу пуллари фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Судланувчи Ж.Т томонидан келтирилган апелляция шикоятда, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инobatга олиб, қонуний энгиллик беришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси Т.Кодировнинг маърузасини, прокурор Э.Султановнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланувчи Ж.Тнинг ҳимоячиси-адвокат У.Обидовнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланувчи Ж.Тнинг жиноят содир этишдаги айби, ўзининг дастлабки терговда ва судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи Л.Анинг кўрсатувлари, 2021 йил 24 май кундаги Ж.Т Самарқанд вилояти прокуратурасига ёзган аризаси, 2021 йил 19 февралдаги Ж.Тнинг ўз айбига иқрорлик ҳақидаги баённомаси, тушунтириш хатлари, билдирги ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган холисона далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг 3-бандида, фирибгарлик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериши, ёнки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши ҳақида тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси суди, биринчи инстанция суди томонидан Ж.Тнинг хавfli рецидивист бўла туриб, фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритишда ифодаланган жинoий хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Апелляция инстанцияси суди, Ж.Тнинг шикоятдаги, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инobatга олиб, қонуний энгиллик бериш ҳақидаги важлар билан келишиб бўлмайди деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг



хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” - деб;

-26-бандида “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади” деб тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси, юқоридаги тушунтиришларига амал қилган ҳолда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, судланувчининг шахсини, муқаддам бир неча маротаба қасддан жиноят содир этиб, етказилган зарарлар қопланмаганлигини, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини инobatга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, биринчи инстанция суди томонидан Ж.Тга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига амал қилиб, унинг оилавий шароитини, муқаддам судланганлигини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда хусусиятини инobatга олиб, унга нисбатан айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, асосли ва адолатли тўхтамга келган деб топади.

Судлов ҳайъати, апелляция шикоятда келтирилган важлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>13</sup>, 497<sup>26</sup> ва 497<sup>31</sup>-моддаларини қўллаб, апелляция инстанцияси суди

#### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И :**

Жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2021 йил 12 ноябрдаги **Т Ж** га оид суд ҳукми ўзгаришсиз, апелляция тартибидаги шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

<b>Раислик қилувчи</b>	<b>имзо</b>	<b>Т. Кодиров</b>
<b>Ҳайъат судьялари</b>	<b>имзо</b>	<b>Ф.Рахманов</b>
<b>Аслига тўри</b>	<b>имзо</b>	<b>Х.Келдиярова</b>

